

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИБРАГИМОВ АБДУБОСИТ АБДУРАХМОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТИЗИМЛИ БОШЛАНУВЧИ ЮВЕНИЛ АРТРИТНИНГ
ДАВО ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимов Абдубосит Абдурахмонович

Болаларда тизимли бошланувчи ювенил артритнинг
даво ва реабилитациясини оптималлаштириш 3

Ибрагимов Абдубосит Абдурахмонович

Оптимизация лечения и реабилитации детей с юношеским артритом с
системным началом 25

Ibragimov Abdubosit Abdurakhmonovich

Optimization of treatment and rehabilitation of children with juvenile
arthritis with systemic onset 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИБРАГИМОВ АБДУБОСИТ АБДУРАХМОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТИЗИМЛИ БОШЛАНУВЧИ ЮВЕНИЛ АРТРИТНИНГ
ДАВО ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Tib1085 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Дилором Ильхамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипов Алишер Мирхамидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фазлиддин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хайтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ювенил артрит болалар ва ўсмирлар орасида энг кўп тарқалган сурункали яллиғланиш касаллиги бўлиб ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «... артрит билан сайёранинг ҳар бир ўнинчи фуқароси азият чекмоқда. Касалланганларнинг катта улушини болалар ташкил қилади, уларда касаллик ногиронликни келтириб чиқариши мумкин. Шу нуқтаи назардан, ювенил ревматоид артрит хавфлидир. Артритнинг ушбу шакли билан касалланган болаларнинг ярмида касалликнинг дастлабки 10 йилида оғир, кўпинча умрбод ногиронлик ривожланади. Учдан бир қисми ревматик касалликлар билан 9 ойликдан 1,5 ёшгача касалланади...»¹. Ювенил артритнинг энг оғир вариантларидан бири тизимли ҳисобланади. Тизимли бошланувчи ювенил артрит (ТБЮА) ноёб (орфан) ҳаёт учун хавфли ва сурункали зўрайиб борувчи, давосиз беморнинг ўлими ёки ногиронлигига олиб келадиган касаллик бўлиб ҳисобланади. Шу билан, ушбу патология салбий натижалар ва асоратларнинг юқори частотаси билан тавсифланади, бу эса эрта ногиронликнинг ривожланишига алоҳида мойилликдир. Касалликнинг болалар орасида кенг тарқалганлиги ва уларнинг ногиронлик даражасини камайтириш ҳаёт сифатини яхшилаш учун илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини такозо этмоқда.

Жаҳонда болалар орасида ревматик касалликларни диагностикаси ва даволашга мажмуий ёндошувни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Болаларда ТБЮА каби оғир касалликни камайтириш ва бартараф этиш бўйича даволаш ва профилактикасининг замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналиши, ТБЮА нинг ривожланиш омиллари ва клиник белгиларининг хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, болаларда ТБЮАни эрта диагностикасининг клиник, лаборатор ва инструментал мезонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни яхшилашга, айниқса, болаларда касалликларни эрта диагностикаси ва уларнинг асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4440-сонли Қарорида тизимли бошланувчи ювенил артритли болаларга ҳам, асосий дори воситаси, махсус озиқ-овқат ва тиббий маҳсулотлар билан кафолатланган бепул таъминлаш асосида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган².

¹ <https://news.un.org/ru/audio/2016/10/1036361>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сон Қарорини "Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"

Бу борада, болаларда ТБЮАда эрта ташхислаш мезонлари ва даволаш ҳамда профилактикасида янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сон “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон “Репродуктив ёшдаги аёллар, хомилдорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётларида тизимли бошланувчи ювенил артрит аутояллиғланиш касаллиги— бу мультифакторли, ҳаракат-таянч аппаратининг умумий зарарланиши ва ички аъзоларни иммунопатологик жараёнга жалб қилиниши билан кечадиган касалликдир. Унинг сабаби номаълум, аммо ирсий мойиллик, шунингдек, аутоиммун ва аутояллиғланиш патофизиологияси муҳим рол ўйнайши ҳақида тахмин қилинади (Ombrello M.J. et al, 2017; Henderson L.A. et al, 2020). Сўнгги йилларда касалликнинг иммунопатогенезини ўрганишдаги ютуқлар, беморларни даволаш нитажаларини сезиларли яхшиланишига олиб келувчи, мақсадли давони такомиллаштиришга ёрдам берди (De Benedetti F. et al. 2012; Ruperto N. 2012). Ҳозирги кунда IL-1 ёки IL-6 ингибиторлари терапиянинг биринчи қатори сифатида тавсия этилади (Onel K.V. et al, 2022). Шунга қарамай, ТБЮАли беморларнинг айрим гуруҳи ушбу терапияга чидамли бўлиб қолмоқда. Тахминан ТБЮА беморларнинг 7 нафаридан 1 таси IL-1 ёки IL-6 билан мақсадли даволашга сезгир эмас (Ambler W.G. et al, 2022). Мақсадли биологик даврда ҳам рефрактер касаллик бўлиб, 20% ҳолатда давом этаётган тизимли аломатлар ва/ёки синовит давом этиши жиддий муаммо ҳисобланади. Бир қатор беморларда асоциирланган макрофаглар активацияси синдроми, интерстициал ўпка касаллиги ёки амилоидоз каби асоратлар ривожланади, уларнинг ҳар бирини давосида эса фарқ бўлади (Chantarogh S. et al, 2017; Okuda Y.,2019; Yasin S. et al, 2020; Erkens R. et al, 2021; Sukharomana M. et al, 2022). Болаларда ТБЮА муаммосини ўрганиш зарурияти беморнинг индивидуал фенотипи, иммун йўллар бузилиши регуляцияси ва генетик тадқиқотлар асосида даволаш усуллари ишлаб чиқиш зарурияти билан боғлиқ (Shimizu M. et al, 2013; Arthur VL. et al. 2018).

Болаларда тизимли бошланувчи ювенил артритнинг диагностикасида қатор қийинчиликлар туғдиради, ишончли тасдиқлашга имкон берувчи битта ҳам симптом, лаборатор ва инструментал индикаторлар мавжуд эмас (Исупова Е.А, 2017). Касалликни даволаш динамикасида клиник, биокимёвий, иммунологик ва инструментал кўрсаткичларни баҳолаш орқали болаларда ТБЮАнинг оғир асоратлари ривожланишини башорат қилиш ва олдини олиш мумкин (Алексова А.М., 2017). ТБЮА билан касалланган болаларни даволаш долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу зўрайиб борувчи ҳаёт учун хавфли бўлган орфан касаллигига фармакорезистент вариантларини ривожланишининг юқори частотаси бўлган прогрессив кечиш хосдир (Баранов А.А., Алексеева Е.И., 2016). Мақсадли биологик терапия пайдо бўлишига қадар кўпинча беморларда кўпинча глюкокортикоидларни узок давр қабул қилишни талаб қиладиган оғир эрозив полиартикуляр артрит ривожланарди, ва бу эса глюкокортикоид захарланишга олиб келарди (Алексеева Е.И. ва ҳаммуалиф., 2009; Mасаubas С. et al, 2010).

Ўзбекистон Республикасида ҳам ювенил артритнинг ўрганишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилган. Бу изланишлар кўпроқ болалардаги ЮАнинг суяк тўқималарининг структуравий-функционал кўрсаткичларини, генетик маркерларини ўрганишга қаратилган (Рахимгазиев У.Г., 2018), аммо ТБЮА беморларни давоси ва реабилитацияси муаммолари етарлича ёритилмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий ревматологиянинг муҳим муаммолардан бири эрта ташхислаш мезонлари ва ТБЮАли болаларда асоратлар ва ногиронликни олдини олиш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган даволаш ва реабилитациянинг персонафицирланган ёндошувларни ишлаб чиқиш ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг ПЗ-АЛ-422105551 “Замонавий иммуногенетик мезонлар ва диагностика ва прогнознинг самарали модели асосида тизимли бошланувчи ювенил артритли болаларни даволаш ва реабилитация қилиш учун янги персонафицирланган тиббиётини ишлаб чиқиш” (2021-2023 йиллар.) илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тизимли бошланувчи ювенил артритли болаларни даволаш ва реабилитациясининг персонафицирланган ёндошувларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

тизимли бошланувчи ювенил артритли беморларни регистрини ишлаб чиқиш;

болаларда тизимли бошланувчи ювенил артритнинг частотаси, клиник белгилар ва кечишининг хусусиятларини баҳолаш;

ТБЮА ва ЮА бўғим вариантида иммунологик маркёр – модифицирланган цитруллинланган виментинга қарши антитаначаларнинг дифференциал диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолаш;

тизимли бошланувчи ювенил артритли болаларни комплекс даволашда, ген – инженерли биологик препарат тоцилизумабни қўллаш асосида, персонифицирланган ёндашувларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш;

тизимли бошланувчи ювенил артритли болаларни реабилитация қилиш усулларини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида 2015-2022 йиллар давомида даволанган ТБЮА ва ЮА бўғим шакли билан оғриган 80 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморнинг периферик қони ва қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тизимли бошланувчи ювенил артрит орфан касаллигининг частотаси тўғрисида аниқ маълумот олиш, эрта диагностика белгиларини аниқлаш орқали касаллик диагностикаси сифатини ошириш, клиник симптомлар динамикасини кузатиш, нохуш ҳодисалар частотаси тўғрисида маълумотларни сезиларли даражада кенгайтириш, дозалар самарадорлиги ва уларни коррекция қилиш учун кўрсатмаларни, хавфсизлик назоратини кучайтириш имконини берадиган ТБЮА билан касалланган беморларнинг регистри ишлаб чиқилган;

ювенил артритнинг турли вариантларининг учраш частотаси аниқланган, унда касалликнинг полиартикуляр (40,13%) ва олигоартикуляр (33,86%) вариантлари устунлик қилиши ва ТБЮА частотаси 22,88% ташкил қилиши исботланган;

болаларда ювенил артритлар ҳар қандай ёшда бошланиши ва турли активлик даражасига эга бўлган артрит, тизимли белгилар, касалликнинг оғир кечиши ва тез-тез қайталаниши билан тавсифланиши исботланган;

болаларда ТБЮА кечишига касалликнинг II (47,8%) ва III даражаси (52,1%) хослиги, ТБЮА болаларда касалликнинг асосий клиник белгилари артрит (93,4%) артралгия билан (100%), истма 39-40°C (89.1%), транзитор доғли-папулез тошма (78,2%), серозитлар (26,1%) ва шунингдек умумий лимфоаденопатия (97,8%), гепатоспленомегалия (86,9%) эканлиги исботланган.

АМЦВ миқдорини ошиши бўғим синдромнинг шаклланиш эҳтимолини кўрсатиши ва фаол, кўпинча агрессив терапияни эрта тайинлаш учун асос бўлиши аниқланган. АМЦВ даражаси ЮА нинг тизимли ва бўғимли вариантларини дифференциал ташхислаш ҳамда ушбу кўрсаткични бўғим

белгиларидаги касалликнинг активлиги мониторинги ва даволаш самарадорлигини баҳолашда асос бўлиши исботланган.

ТБЮА билан оғриган болаларни даволашда ГИБП ТЦЗ ни тайинлашнинг шахсий ёндошувидан фойдаланиш касалликнинг фаоллигини камайтиришга, ёрдам бериши исботланган, бу клиник белгилар ва лаборатор кўрсаткичларнинг меъёрлашиши билан ифодаланади, глюкокортикод ва иммуносупрессорларнинг ортиқча ва узоқ муддатга тайинланишини олдини олади, шунингдек, қисқа муддатларда касалликнинг ремиссия даврига ўтиши исботланган;

ТБЮАли болаларни бўғимларидаги ҳаракатларни фаоллаштирувчи, бўғимлар ва мушакларда қон айланишини кучайтиришга ёрдам берадиган реабилитация усули ишлаб чиқилган; ушбу усул асоратлар ва ногиронликни олдини олади ва камайтиради, шунингдек, беморлар ҳаёт сифатини яхшиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ТБЮАли болаларнинг регистрини юритиш беморларни ҳисобга олишда маълумотларни шакллантириш самарадорлигини ошириши асосланган;

ЮАда бўғим синдроми дифференциал диагностикасида АМЦВнинг аҳамияти аниқланган, унинг миқдорини ортиши эса ҳам бўғимли варианты, ҳам ТБЮАли болаларда фаол терапияни эрта тайинлаш учун самарали эканлиги асосланган;

ТБЮА болаларда касалликнинг кечиши, эҳтимолий нохуш ҳолатлар юзага келиши ва клиник-лаборатор маълумотлар, айниқса, АМЦВ даражаси, асосида ген-инженерли биологик восита – тоцилизумабни тайинлашга шахсий ёндашувлар ишлаб чиқилган ва асосланган;

пилатес даволаш гимнастикаси элементларини такомиллаштириш асосида ТБЮАли болаларни реабилитация қилиш усули ишлаб чиқилган ҳамда асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ювенил артритнинг турли вариантларининг учраш частотаси ва ТБЮА болаларда клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар келажакда республикада чуқурлаштирилган тадқиқотларни олиб боришга замин яратади, бу эса АМЦВни аниқлаш ушбу касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиб беради ва ЮАнинг бўғим ва тизимли вариантларининг дифференциал диагностикаси учун асос бўлиб

хизмат қилади, шунингдек, ушбу кўрсаткични активликни мониторинг қилиш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда асос бўлиб, ГИБП тоцилизумабни тайинлашда персонифицирланган ёндашувларни қўллаш болаларда ТБЮА ни даво рефрактерлигини пасайишига ва унинг жиддий асоратларининг олдини олишга билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, касалликни ташхислаш сифатини ошириш, клиник симптомлар динамикасини кузатиш, нохуш ҳолатлар частотаси, ГИБП самарадорлиги ҳақида маълумотларни сезиларли кенгайтириш имконини берувчи, ТБЮАли беморларнинг регистри ишлаб чиқилган, шунингдек, ЮАли болаларда бўғим синдроми шаклланишининг диагностикаси, дифференциал диагностикаси ва прогнози клиник-иммунологик қирралари аниқланган, ҳамда ТБЮАли болаларни даволаш ва реабилитация қилишда шахсий ёндошувлар ишлаб чиқилганки, буларнинг ҳаммаси ТБЮАли болаларнинг ногиронлиги ва ўлимни камаййтиришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда тизимли бошланувчи ювенил артритнинг даво ва реабилитациясини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда тизимли бошланувчи ювенил артритнинг ташхислаш ва даволаш усуларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Болаларда тизимли бошланувчи ювенил артритнинг ген-инженерли биологик терапияси» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 сентябрдаги №8н-д/474а-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда ТБЮАни даволаш самарадорлигини ошириш, зўрайиш эпизодлари, нохуш ҳолатлар частотаси ва асоратларини камаййтириш, ГКС ва иммуносупрессорларни ортиқча ва узоқ муддат тайинланишини олинган олиш, шунингдек, ушбу орфан касалликлари бўлган болаларда ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

болаларда ТБЮАнинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва ушбу касаллиги бўлган болаларни даволаш ва реабилитация қилиш усуларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жиззах ва Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг, клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 октябрдаги №08-33512-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари беморларни даволаш самарадорлигини ошириш, асоратларни олдини олиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, ушбу орфан касаллигидан ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камаййтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 та республика, 3 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотни илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Болаларда тизимли бошланувчи ювенил артрит ҳақида замонавий тасаввурлар”** бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар манбалари мисолида адабиёт маълумотлари, ЮА нинг ушбу вариантнинг тарқалиши ҳақидаги замонавий тасаввурларни таҳлили, касалликнинг клиник кечиши, шунингдек, болаларда ТБЮА аутоиммун маркёрларнинг аҳамияти таҳлил қилинган нашрлар ва ревматологлар амалиётида қўлланиладиган терапия усуллари келтирилган. Касаллик регистлари ва уларнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган. Таҳлил натижалари тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини асослаган.

Диссертациянинг иккинчи **“Текширилган беморларнинг тавсифи ва фойдаланилган текшириш усуллари”** бобида тадқиқот материал ва усуллари ёритилган. ЮАнинг турли вариантларининг учраш частотасини аниқлаш учун 2015-2022 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг РИПИАТМ кардиоревматология бўлимида даволанган ЮАли 319 нафар болаларнинг касаллик тарихлари таҳлил қилинган. 80 нафар болалар текширилган, улардан 50 нафари – ТБЮАли (асосий гуруҳ); 30 нафар болалар – ЮА бўғим шакли билан (таққослаш гуруҳи). Текширилган болаларнинг ёши $12,5 \pm 7,5$ ёш (2 ёшдан 18 ёшгача) бўлган.

Ташхис шикоятлар, анамнез маълумотлари (онанинг акушерлик анамнези, боланинг ҳаёт ва касаллик анамнези, ўтказилган касалликлари, касалликнинг кечиши тавсифи ва давомийлиги), лаборатор (умумий гематологик таҳлил, қоннинг биокимёвий таҳлили, умумий оқсил, альбумин, глюкоза, умумий билирубин ва унинг фракциялари, мочевин, креатинин, АлТ, АсТ, ЛДГ, С-реактив оқсил, ревматоид омил, антистрептолизин-О, кальций, натрий, калий, магний, фосфор, хлор), клиник-функционал (ЭКГ, ЭхоКГ) ва инструментал (бўғимлар ва ички аъзолар рентгенографияси, ички органларнинг ультратовушли, мультиспирал компьютер томографияси) ILAR

мезонлари бўйича текшириш усуллари асосида қўйилди. Жараённинг фаоллиги клиник симптомларнинг яққоллиги, қон зардобидаги биокимёвий кўрсаткичлар фаоллиги, шунингдек, инструментал текширишлар асосида баҳоланди.

Ген-инженерли биологик терапия, ота-оналарнинг ёки боланинг расмий вакилининг розилиги асосида, фақат ТБЮАли болаларда қўлланилди.

ГИБПнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида ТБЮАли болалар олган давосига кўра 2 гуруҳга ажратилган:

- 1 гуруҳ (асосий) – 30 мажмуий давосида тоцилизумаб (Актемра) олган беморлар;

- 2 гуруҳ (таққослаш) - 20 беморлар, иммуносупрессорлар, глюкокортикостероидлар (ГКС) ва ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) олган беморлар.

Даволашнинг самарадорлигини, яъни жараён активлигини, сифатли баҳолашда, махсус ишлаб чиқилган JADAS (Juvenile Arthritis Disease Activity Score) индекси қўлланилди. Бу қуйидаги кўрсаткичларнинг арифметик баллари суммаси: врач томонидан касаллик активлигини умумий баҳоси (ВАШ), ота-оналар/бемор томонидан касаллик активлигини баҳоси (ВАШ); 10 та ўзига хос бўғимларнинг ҳолатини баҳолаш ва фаол артритли бўғимлар сонини ҳисоблаш (JADAS10); нормаллаштирилган ЭЧТ кўрсаткичи.

ЛДГ, АЛТ ва АСТ фаоллигини аниқлаш қон зардобида "HUMAN" (Германия) компаниясининг биокимёвий автоанализаторида иммунофермент усулида амалга оширилди. Аутоиммун маркерларни аниқлаш (модификацияланган цитруллинланган виментинга антителалар - Anti- MCV, антинуклеар АТ - ANA, иммунофермент усул (ИФА) билан - Multiskan FS (Германия) аппаратида бажарилди. Биокимёвий ва иммунологик текширишлар РИПИАТМ экспериментал-лаборатор бўлимида ўтказилди (раҳбар – проф.А.Н.Арипов).

Рентгенологик текширишлар Shimadzu Flexavision F3 (Япония) рақамли рентгенологик аппаратида бажарилди. Тадқиқотларда олинган маълумотларни шахсий Pentium-IV компьютерида Microsoft Office Excel-2007 дастурий пакети ёрдамида, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланиб статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг учинчи **“Болаларда тизимли бошланадиган ювенил артритнинг клиник кўринишлари хусусиятлари”** бобида болалардаги ЮАнинг турли шакллариининг учраши частотаси ва намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисида ретроспектив таҳлил маълумотлари, шунингдек ТБЮА билан касалланган беморларнинг ишлаб чиқилган регистри келтирилган.

Республиканинг худудларида ЮАнинг учраш частотасини ўрганиш, касаллик Тошкент шаҳри (20,3%) ва Тошкент вилоятида (14,1%) энг кўп учрашини кўрсатди, Самарқанд вилоятида– 7,8% да, Наманган вилоятида– 6,9% да, Хоразм вилоятида – 6,6% да, қолган вилоятларда эса учраш частотаси деярли бир хил бўлиб, ўртача 5,6%ни ташкил қилади.

Касалликнинг вариантлари орасида энг кўп полиартикуляр (40,13%) ва олигоартикуляр (33,86%) вариантлари бўлди, ТБЮА частотаси эса 22,88% ташкил этди. Камроқ фоизда энтезит ва дифференцирланмаган артрит (1,25% дан) бўлди, псориастик артрит 0,63% болаларда диагностика қилинган.

Касалликнинг олиго - ва полиартикуляр вариантларининг бошланиши кўпроқ фоизда эрта ва кичик мактаб ёшига тўғри келди, ТБЮА эса кўпроқ мактабгача бўлган ёшда бошланади. ТБЮАли беморларнинг 29,7% да кўпроқ 5 ёшгача қайд қилинган.

Касалликнинг энг эрта бошланиши ҳаётнинг 8-ойига ва энг кеч ёши 10,8 ёшга тўғри келди. Касалликнинг бошланиши ўртача $5,4 \pm 3,2$ ёшда қайд этилган.

Биз ТБЮАли беморлар регистрини ишлаб чиқдик. Ишлаб чиқилган ТБЮАли беморлар регистри касалликнинг кечиши, даволаш усуллари ва оқибатларини кузатиш, прогноз ва беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, тайинланган давонинг тўғрилиги ва ўз вақтидалигини баҳолаш ва назорат қилиш, ГИБПнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш, ва умуман, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини назорат қилиш учун мўлжалланган воситадир. Регистр ШКда Access дастурий таъминоти ёрдамида ишлаб чиқилган. Маълумотларни ушбу дастурий таъминот мавжуд бўлган оддий ШКда киритиш мумкин. Регистрга ижтимоий маълумотлар тўлиқ блоки (Ф.И.Ш., жинси, туғилган санаси ва ёши, манзили), касаллик ҳақидаги маълумотлар, клиник кўрсаткичлар динамикаси, касаллик коди (касаллик оқибати, даволаш натижалари), хавф омиллари ва статистик маълумотлар киради.

Рўйхатга олиш пайтида тўпланган маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш, эрта диагностика белгиларини (56,6%) аниқлаш орқали касалликнинг диагностикаси сифатини яхшилашга, ножўя ҳолатлар частотаси ҳақидаги маълумотларни анчагина кенгайтиришга (6,6%), дозалар самарадорлиги ва уларни коррекция қилиш учун кўрсатмалар (96,7%), даволаш ва реабилитация қилиш хавфсизлик назоратини (100%) кучайтиришга имкон берди. Болаларда ТБЮАнинг клиник хусусиятларини ўрганиш мақсадида касалликнинг тизимли (1-гурух - 50 беморлар) ва бўғимли (2-гурух - 30 беморлар) вариантларининг клиник белгилари қиёсий ўрганилди.

Таққослаш таҳлили шуни кўрсатдики, мойиллик омилларидан бири ирсий мойиллик бўлди. Ушбу касалликка ирсий мойиллик ҳолатлари текширилган 1-гурух болалари орасида таққослаш гуруҳига нисбатан 2,1 марта кўп (42% ва 20%) аниқланган.

Касаллик ривожланиш механизмини қўзғатадиган кўплаб омиллар мавжуд. 1-гурух беморларида омиллардан вирусли ёки аралаш бактериал-вирусли инфекция (54%), бўғимларнинг шикастланиши (8%) ва ЎРВИ фониде ёки касаллик ўтказилганидан кейин дарҳол инфекцияларга қарши амалга оширилган профилактик эмлашлар (4%) бўлган. 2-гурухда вирусли инфекциялар 40% ва жароҳатлар - 16,6% ни ташкил этди.

Касалликнинг бирламчи кўринишларидан бири бўғимларнинг шикастланиши бўлган. ЮАнинг бўғим шакли симптомлари 90% ҳолатларда ўткир намоён бўлди. ЮА бўғим вариантыда оғриқ синдроми фақат бўғимлардаги пассив ёки фаол ҳаракатларда, кескин ҳолатларда келиб чиққан; тинч ҳолатда болаларда бўғимлардаги оғриқдан шикаятлар бўлмаган. Эрталабки танглик, 2 гуруҳ беморларининг 55%га хос бўлиб, бир ёки бир неча бўғимларда қисқа муддатли увишиш, оқсоқланиш, оғриқ билан намоён бўлган. Бўғимлардаги дефигурация даражаси яллиғланиш жараёнининг турига ва табиатига боғлиқ: экссудатив ёки экссудатив пролифератив синовит. Беморларнинг 13,3 фоизида бўғимда пролифератив-склеротик ўзгаришлар устун келди ва жараён "қуруқ синовит" турига қараб кечди. Бундай кечиши кўпроқ ўсмирларда (32,0%) учради.

Иккала гуруҳдаги болалар учун йирик ва ўртача бўғимларнинг энг кўп зарарланиши хос бўлиб, айнан, тизза, тизза-товон, билак, тирсак, чаноқ-сон бўғимлар фаол эди. 1-гуруҳдаги 57,7% беморларда жараёнга қўл кафтининг майда бўғимлари ҳам жалб қилинган (1-жадвал).

Яллиғланиш жараёнига кўпроқ 2-гуруҳдаги тизза ва тизза-товон бўғимлари, камроқ кафт ва товон бўғимлари жалб қилинган. 1-гуруҳ болаларида касаллик кечишининг оғир вариантларида бўйин умуртқасининг "синовиал бўғимлари" (34,6%) ва деформацияланувчи артроз ривожланиши билан чакка-пастки жағ бўғим (26,9%) иштирок этган.

1-жадвал

Касаллик вариантыга кўра болаларда бўғимларнинг зарарланиши

Бўғимлар	1 гуруҳ	2 гуруҳ	p
Умуртқанинг бўйин қисми	34,6±6,7%	23,3±7,7%	p≤0,05
Жағ-чакка бўғими	26,0±6,2%	0	p≤0,05
Елка бўғими	46,0±7,1%	16,7±6,8%	p≤0,001
Тирсак бўғими	54,0± 7,1%	20±7,3%	p≤0,001
Билан-кафт бўғими	58,0± 6,98%	33,3±8,6%	p≤0,05
Қўл кафтининг майда бўғимлари	57,7± 6,98%	23,3±7,7%	p≤0,01
Чаноқ-сон бўғими	26,0±6,2%	23,3±7,7%	p≤0,05
Тизза бўғими	84,0 ±5,2%	63,3±8,8%	p≤0,001
Тизза-товон бўғими	62,0±6,86% %	70±8,4%	p≤0,05
Товон бўғимлари	26,0±6,2%	23,3±7,7%	p≤0,05


Касаллик 1-гуруҳ болаларида тизимли характерга эга бўлган. Дебютдаги бўғим синдроми қўл ва оёқларнинг бўғимларида артралгия ёки вақти-вақти билан пайдо бўладиган суюқлик билан чекланган. Турғун артрит 26,9% беморларда касаллик бошланганидан кейин фақат бир неча ойдан, 73,1% беморларда 1-2 йилдан кейин ривожланди. 1-гуруҳ болаларида кўпроқ II (44%) ва III активлик даражаси (48%) қайд қилинган бўлса 2-гуруҳда II даражали (45%) активликка нисбатан, I даражали (50%) активлик билан кўпроқ болалар бўлган. I даража активлик 1 гуруҳдаги 8% беморларда, III даражали активлик 2 гуруҳдаги 5% беморларда аниқланган.

Клиник белгилар тузилмасида 1 гуруҳ беморларида қуйидаги ўзгаришлар аниқланган: ТБЮА яққол бўлган тизимли ўзгаришлар ва турли фаоллик даражадаги артрит - 48,1%да, ТБЮА яққол бўлмаган тизимли ўзгаришлар ва турли фаоллик даражадаги артрит - 44,2% ва ТБЮА гемофагоцитар синдром белгилари билан - 5,8%.

Клиник белгилар тахлили шуни кўрсатдики, ТБЮАли болаларда касалликнинг катта белгилари орасида артрит (93,4%), иситма 39-40°C (89,1%), транзитор доғ-папулез тошма (78,2%) ва серозитлар (26,1%), кичик белгилар орасида - артралгия (100%), шунингдек умумлашган лимфоаденопатия (97,8%), эрталабки танглик (95,6%), гепатоспленомегалия (86,9%) бўлди (1-расм).

Клиник тадқиқотлар давомида оғриқнинг интенсивлиги ва динамикасини баҳолашни объективлаштириш учун бир қатор воситалар ишлатилган: визуал аналог шкала (ВАШ) ва JADAS10 (Juvenile Arthritis Disease Activity Score) индекси.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 1-гуруҳ болаларида беморларнинг ўзлари ва шифокор баҳолари бўйича ўртача кўрсаткич баллари йиғиндиси таққослаш гуруҳига нисбатан юқоридир ($p \leq 0,05$).



1-расм. ТБЮАли беморларда ГИБП билан даволанишгача клиник симптомлар частотаси

Худди шу тенденция зарарланган/фаол бўғимлар сони ва юқори ЭЧТ кўрсаткичларига нисбатан ҳам кузатилди.

2-жадвал

ТБЮА болаларда визуал аналог шкаласи (ВАШ) ва JADAS10 (Juvenile Arthritis Disease Activity Score) индекси кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ	2 гуруҳ
Касалликнинг фаоллигини шифокор томонидан умумий баҳолаш	6,1±0,4*	4,8±0,4
Касалликнинг фаоллигини ота-оналар/беморлар томонидан умумий баҳолаш	7,1±0,5*	6,1±±0,4
Зарарланган/фаол бўғимлар сони бўйича баҳолаш	7,2±0,5*	4,2±±0,3
ЭЧТнинг юқори кўрсаткичи бўйича баҳолаш	2,5±±0,19*	1,4±0,09
JADAS10	22,8±1,9*	16,6±1,5*

Изоҳ: * - 1 ва 2 гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги ишончли фарқ ($p \leq 0,05$)

Шундай қилиб, болаларда бўғимли ЮА турли активлик даражали артрит, тизимли кўринишда эса касалликнинг оғир кечиши ва тез-тез қайталаниш билан тавсифланади.

Диссертациянинг тўртинчи **“Болаларда ювенил артритлар кечишининг лаборатор-инструментал хусусиятлари”** бобида болаларда лаборатор ва инструментал текшириш натижалари ва ЮА клиник кечишидаги аутоиммун маркерларнинг роли келтирилган.

Лаборатор маълумотларни тахлили, 1-гуруҳ ($91,3 \pm 0,7$ г/л, $p < 0,05$ нормага нисбатан) ва 2-гуруҳ ($99,4 \pm 1,9$ г/л) болаларидаги ўртача гемоглобин даражаси энгил анемияга мослигини кўрсатди. Касалликнинг ўткир фазасида 1 гуруҳнинг 63,3% болаларида лейкоцитлар сонининг сезиларли ошганлигини, 30% беморларда эса ўртача ошганини кўрсатди, 2 гуруҳда эса бундай беморларнинг улуши мос равишда 16,7% ва 53,3% ни ташкил этди. 1-гуруҳ болаларида тромбоцитлар сонининг кўпайиши ҳам энг аниқ бўлиб, улар 45 (90%) беморларда қайд этилган. Уларнинг миқдори 1 мл қонда 195 000 – 1197 000 ни ташкил қилди. 5 (16,6%) беморларда тромбоцитлар сони меъёردа бўлди. 1 гуруҳдаги 98% болаларда ЭЧТнинг ортиши энг аниқ бўлди. Шу билан бирга ЭЧТ кўрсаткичларининг тебранишлари 15 дан 72 мм/с гача аҳамиятли бўлиб, ўртача $43,6 \pm 0,3$ мм/ч ни ташкил қилди. ЭЧТнинг меъерий кўрсаткичлари фақатгина 1 нафар беморда аниқланган. Таққослаш гуруҳида ЭЧТнинг максимал қиймати 45 мм/соат га етди ва унинг ўртача қиймати $34,9 \pm 0,4$ мм/ч ($p \leq 0,01$) ташкил қилди.

1-гуруҳ болаларда С-реактив оксил даражаси ($75,8 \pm 6,4$ г/л) 2-гуруҳ ($p < 0,01$) ва меъерий кўрсаткичларга нисбатан ($p < 0,01$) сезиларли ошган. СРО даражаси 1-гуруҳ болаларида меъерий кўрсаткичлардан 15,2 баравар, 2-гуруҳида – 8,8 бараварга ошиб кетган.

ЛДГ – тўқима деструкциясининг муҳим маркери бўлиб ҳисобланади. Беморларда ушбу ферментнинг даражаси ўрганиш 1-гуруҳдаги 80% болаларда юқори кўрсаткичларни кўрсатди. Бунда унинг ўртача кўрсаткичи $720,7 \pm 68,4$ ЕД/л ташкил қилди, бу меъёрнинг юқори чегарасидан 1,6 марта ($p < 0,05$) кўпдир. Олинган маълумотлар, ТБЮАда тўқималар зарарланиши ва хужайралар парчаланиши билан кечишини кўрсатди.

Шундай қилиб, тизимли яллиғланишли жараён лейкоцитоз, тромбоцитоз, ривожланувчи анемии, юқори даражадаги ЭЧТ, СРО нинг юқори даражаси, диспротеинемия ва ЛДГ юқори активлиги билан кечади.

Цитруллинланган виментин ревматоид артритда аутоантитаначалари учун антиген вазифасини бажаради. Болаларда АМЦВ даражасининг ошиши ЮА бўғим варианты бўлган 12 (40,0%) беморларда аниқланган, бу ТБЮАли болаларга нисбатан 3,3 баравар кўп ($12,0\%$ $p \leq 0,01$). Қон зардобидеги АМЦВ концентрацияси ЮА бўғим вариантыда 1,7 дан 413,2 ЕД/мл гача бўлган ва унинг ўртача қийматлари $39,4 \pm 2,8$ ЕД/мл ташкил этди. Аксинча, ТБЮА болаларда қон зардобидеги АМЦВ қийматлари анча паст эди ва тебранишлар

0,8 дан 30,5 ЕД/мл гача бўлди. Шу билан бирга, унинг ўртача қийматлари $12,1 \pm 1,6$ ЕД/мл ($p < 0,001$) ташкил этди (3-жадв).

**ЮА билан касалланган болаларда касаллик вариантыга қараб
АМЦВ ва АНАнинг концентрациясининг ўрта кўрсаткичлари**

Кўрсаткич	1 гуруҳ	2 гуруҳ	p
АМЦВ, ЕД/мл	12,1±1,6	39,4±2,8	<0,001
АНА, АУ/мл	26,4±1,9	32,01±2,7	<0,01

Изоҳ: p – таққослаш гуруҳлари орасида кўрсаткичларнинг ишончилиги.

АМЦВ нинг мавжудлиги бўғимларнинг деструктив ўзгаришларининг ривожланиши ва ЮА нинг янада тезроқ ривожланиши билан боғлиқ. АМЦВ нинг концентрацияси касалликнинг фаоллигини аниқ акс эттиради. Касалликнинг фаоллигини баҳолаш учун ҳар бир беморнинг кўрсаткичлари алоҳида таҳлил қилинган.

ЮА бўғим варианты бўлган 6 (16,2%) болаларда АМЦВ нинг юқори миқдори аниқланган (30 ЕД/мл кўп) ва унинг даражаси меъёрдан 5 марта кўп, 1 (2,7%) беморла – 9 мартадан кўп, бошқасида (2,7%) – 14 мартадан ортиқ, қолганларда антитаначаларининг миқдори жуда кам (20-30 ЕД/мл) ($p < 0,001$) бўлди. АМЦВ концентрациясининг кўпайиши ва даражаси ТБЮА билан таққослаганда касалликнинг бўғим варианты бўлган болаларда юқори бўлиб, бу бўғимларда деструктив ўзгаришлар мавжудлигини ЮАнинг зўрайишини кўрсатади.

Антинуклеар антитаначаларни (АНА) аниқлаш аутоиммун касалликларини диагностикаси учун катта аҳамиятга эга. АНА даражаси 1-гуруҳдаги 16,6% болаларда меъёр кўрсаткичларидан юқори бўлди, ва унинг ўртача миқдори 26,4±1,9 АУ/мл ташкил қилди. 2-гуруҳ болаларида АНА миқдори ўртача 32,01±2,7 АУ/мл, унинг даражаси юқори бўлган беморларнинг улуши 80%ни ташкил этди (4-жадв). Бу касалликнинг тизимли вариантнинг асосида аутояллиғланиш, бўғим вариантыда эса - аутоиммун маркерлар ортиши билан ифодаланадиган аутоиммун реакциялари эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, АМЦВ ва АНА кўрсаткичлари ЮА турли вариантларида аутояллиғланиш ва аутоиммун жараёнларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга, бу уларни дифференция қилишга имкон беради. Шунда, АМЦВ даражасининг ошиши ЮА нинг бўғим вариантыга хос бўлган аутоиммун генезли зарарланиши, АНА даражасининг ошиши эса ТБЮАга хос бўлган аутояллиғланишли генезли зарарланишни кўрсатади.

Рентгенологик текширишларда зарарланган/фаол бўғимларни касалликнинг вариантдан қатъий назар, ўзгаришларнинг келиб чиқиш муддати билан фарқ қилиши аниқланган. Иккала гуруҳ болаларида бўғимларнинг зарарланиши симметрик бўлган. Ўзига хос белгилар кафт-бармоқ фалангаси ва биллак бўғимлари, кафт проксимал фалангалараро бўғимларининг симметрик зарарланиши ҳисобланади. Артритнинг бирламчи рентгенологик симптомлари, шунингдек биринчи эрозиялар, бўғимларида,

билак суякларининг бигизсимон ўсимталарида 1-гурухдаги 14% болаларда ва 2-гурухдаги 83,3% болаларда аниқланган. ЮАнинг кечки босқичларида кафт ва оёқнинг дистал фалангалари бўғимларида аниқланган.

ЮАнинг, бўғимлардаги артритнинг ривожланувчи симптомларини акс эттирадиган, рентгенологик босқичларига асосан, қуйидаги ўзгаришлар аниқланган: 1-босқич 1-гурух болаларида 36% ҳолатларда, 2-гурухда – 26,6% ҳолатларда. 2-босқич, бўғимларда бўғим атрофи остеопорозининг ортиши билан тавсифланадиган бошқа ўзгаришлар 1-гурухдаги 48% болаларда ва 2-гурухдаги 43,3% беморларда аниқланган. ЮАнинг ушбу босқичида бўғимларнинг ўртача ёки яққол деформацион ўзгаришлар, ярим чиқишлар, чиқишлар ва суяк анкилозлари ҳали мавжуд бўлмаган. 3-босқич, 2-босқичда аниқланган рентгенологик симптомлар ортиши билан тавсифланади, бу 1-гурухдаги 16% беморларда аниқланган, 2-гурух болаларида уларнинг миқдори юқори ва 26,6% ташкил этган. Ушбу босқичда 1 ва 2 гурух болаларида суяк эпифизларининг ўртача ва яққол деформациялари, алоҳида бўғимларда чала чиқишлар ва чиқишлар мос равишда 2% ва 10% ҳолатларда қайд этилган. Деструктив ўзгаришли 4-босқич иккала гурухда ҳам аниқланмаган.

Кўкрак қафасининг рентгенограммасида 1 гурухда асосан чап бўлмачалар ҳисобига юрак ўлчамларининг катталашганлиги 12% болаларда аниқланган, кардиоторакал индекс ўртача $59,6 \pm 0,3\%$ ташкил қилди. 1-гурух болаларида қорин бўшлиғи УТТда гепатомегалия (36%) эхобелгилари, гепатоспленомегалия (8%), ошқозонности беши паренхимаси диффуз ўзгаришлари (6%), асцит (4%), жигардаги реактив ўзгаришлар (14%), холецистит белгилари (4%) аниқланган. Шундай қилиб, инструментал ва функционал текширувлар, ЮА бўғим вариантли болаларга нисбатан, ТБЮАли болаларда суяк-мушак, юрак-қон томир ва овқат ҳазм қилиш тизимларида сезиларли ўзгаришларнинг мавжудлигини кўрсатди.

Диссертациянинг бешинчи **“Тизимли бошланадиган ювенил артритли болаларни даволаш ва реабилитацияси, унинг самарадорлигини баҳолаш”** бобида ТБЮАли болаларда ГИБП ва унинг самарадорлигини баҳолаш билан реабилитация усулларини такомиллаштириш натижалари келтирилган.

ГИБП самарадорлигини баҳолаш мақсадида давога қўра болалар 2 гурухга ажратилган: 1 гурух (асосий) – 30 (60%) ТЦЗ билан мажмуий даволанаётган беморлар; 2 гурух (таққослаш) – таркибида иммуносупрессор, глюкокортикостероидлар (ГКС) ва ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НПВС) бўлган мажмуий даволанаётган беморлар.

Даволашни оптималлаштириш учун клиник белгилар (иситма, зарарланган/фаол бўғимлар, тошма) бўйича шахсий кўрсаткичлар, шунингдек, лаборатор маълумотларни (СРО, ЛДГ, тромбоцитлар, нейтрофиллар ва АМЦВ) ҳисобга олиб, қуйидаги даволаш схемасини таклиф этилди:


Тоцилизумабининг бошланғич дозаси тана вазнига 12 мг/кг (вазни <30 кг) ёки 8 мг/кг (вазни >30 кг) вена ичига томчилаб, ҳар ойда юқорида кўрсатилган клиник-лаборатор маълумотлар меъёрга келгунигача 2 марта қабул қилдилар, сўнгра дозани ва инъекция интервали ўзгартирилди.

Касаллик динамикасининг клиник-инструментал ва лаборатор баҳолаш бевосита ТЦЗ билан даволашдан аввал ва кейин ҳар 3 ойда ўтказилган.

ТБЮАли болаларда ТЦЗ билан даволашнинг асосий мақсади ноактив касаллик статусига эришиш.

Текширувлар натижасига кўра, даволаниш фонидида 3 ойдан кейин 1 гуруҳ болаларида бўғим синдроми билан биргаликда касалликнинг тизимли белгиларининг регрессияси тез қайд этилган, 2-гуруҳда ушбу кўрсаткичларнинг яхшиланиши секинроқ бўлган ($p \leq 0,01$). Дастлабки 3 ой давомида 1 гуруҳ беморларида ноўя таъсирлар қайд этилмаган, ва ушбу гуруҳдаги тизимли симптомларсиз беморларда ГКС дозаси пасайтирилган. Аммо 2 гуруҳда тизимли кўринишлар узок регрессияси ва бўғим симптомлари сабабли ГКС дозаси, 1-гуруҳга нисбатан, аста секин пасайтирилган.

Даволаш бошланганидан 6 ойдан кейин 1 гуруҳда касалликнинг барча клиник белгилари йўқолган, фақат 4 (15,3%) бемордаги анемия ва 6 (23,07%) беморларда тромбоцитоз каби иккита лаборатор ўзгаришлар сақланиб қолган. 2 гуруҳда ЮА клиник белгилардан 8 (40%) беморларда иситма, 14 (70%) – тери тошмалари, 8 (40%) – артралгия ва артрит симптомлари сақланган (2-расм).




2-расм. ГИБП қўлланилганидан 6 ойдан кейин клиник кўрсаткичлар

Лаборатор кўрсаткичлар 10 (50%) беморларда анемия, 11 (55%) да - тромбоцитоз, 5 (25%) да - лейкоцитоз, 9 (45%)да - ЭЧТнинг тезлашиши ва 8 (40%) - СРО ортиши 2 гуруҳнинг беморларида мавжудлигини кўрсатган. Ушбу вақтга келиб 1 гуруҳ беморларида бўғимлардаги ўзгаришлар камайган ва ГКС дозасининг пасайтирилиши муваффақиятли кечган.

